

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАТИШДА "TALK NOW" ПРОГРАММАСИДАН  
ФЙДАЛАНИШ

Ирода Санъат қизи Тоҳирова

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси

**Abstract:** *This scientific article talks about the importance of developing language competences such as listening and speaking to students of foreign languages using modern information technologies through the computer program "Talk-now".*

**Key words:** *education, foreign language, listening, reading, speaking, grammar, study, program..*

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритганига ҳам 32 йил бўлибди. Бу даврга келиб ҳамма соҳаларда қатор ислохотлар олиб борилди ва борилаяпти. Ҳамма жабҳаларда бўлгани каби таълим соҳасида ҳам қатор ўзгаришлар бўлмоқда. Бу ислохотлардан бири хорижий тилларни ўргатишга қаратилгандир. Бу борада қатор Фармон ва қарорлар чиқди. Ушбу қарорларда белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида хорижий тилларни замонавий педагогик ва ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланган ҳолда ўргатишнинг илғор услубларини жорий этиш орқали ўсиб келаётган ёш авлодни хорижий тилларга ўргатиш ҳамда ушбу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлашга эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадга эришиш учун чет тилларини ўргатишда замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш ва ўқув жараёнига информацион технологияларни киритиш масалалари долзарб бўлиб қолмоқда.

Кундан кунга замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши инсон ҳаётининг барча жабҳаларига, жумладан, таълим соҳасига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Ўқитувчилар томонидан ўқув жараёнида интернет ресурслари, компьютер ва мобил технологиялардан фаол равишда фойдаланмоқдалар. Шу сабабли таълимда, хусусан, чет тилларини ўқитиш соҳасида замонавий инфокоммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш зарурати туғилди.

Ахборот-коммуникация технологиялари - бу компьютер технологиялари ва телекоммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган ахборот жараёнлари ва ахборот билан ишлаш усуллари. Ўз навбатида, таълим тизимини таълим ва тарбия мақсадларини амалга оширишга қаратилган янги ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш назарияси ва амалиёти билан таъминлаш жараёни таълимни ахборотлаштириш деб аталади.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Пашенко О.И. Информационные технологии в образовании. Уч.-мет. пособие. Нижневартовск: Изд-во НВГУ, 2013. – С.25

Г.И. Окан фикрича “олий ўқув юртида ўқитишнинг фаол усуллари жорий этиш зарур ва замон талаби. Ҳар бир ўқитувчи “педагогик янгиликлар”, “фаол ўқитиш усуллари”ни билиши ва дарсга киритиши кераклигини таъкидлаб ўтган<sup>2</sup>. У асосий эътиборни талабаларни касбий томондан мукамал бўлиши учун “Ўқиш ва ёзиш орқали танқидий фикрлашни ривожлантириш” кўникмаларини инновацион технологиялардан фойдаланиш орқали ўстиришга қаратган.

Электрон таълим 1960 йиллардан бошлаб, компьютерлар ва турли дастурий таъминотлар ўқув жараёнида фаол қўлланила бошланган пайтдан ривожлана бошлади ва АҚШдаги Иллинойс университетиде биринчи PLATO (Programmed Logic for Automated Teaching Operation) электрон таълим тизими ихтиро қилинди. “e-learning” атамаси кейинроқ XXаср 90-йилларида пайдо бўлган. Ҳозирги кунда бу электрон таълим тизими кучайиб бормоқда. Шундай таълим дастурларидан бири “Talk Now”<sup>3</sup> 2006 йилда Eurotalk томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ундан ҳозирги кунда 2 миллиондан ортиқ одам фойдаланади.

Бу дастур инглиз, венгер, голланд, испан, немис, француз, хитой, япон, поляк, юнон, иброний, швед, чех, араб, турк каби 15 та тилни янги ва қизиқарли ўрганиш усуллари билан ўргатишга ёрдам беради.

Электрон дарслик кундалик ҳаётий ҳолат - танишиш, харид қилиш, рақамлар, транспорт, вақт, озиқ-овқат каби вазиятларда учрайдиган иборалар ва сўзларнинг асосий тўпламини тақдим этади.



Дастурда дастлаб сўзларни тинглаб ўрганиш орқали берилади. Масалан: ранглар, давлат номлари, озиқ-овқат номлари, ўқув қуроллари, тана аъзолари, рақамлар, соатларни ифодалаш кундалик ҳаётда ишлатиладиган иборалар эшитиш орқали янги хорижий тилни ўрганаётган талаба ўша тил талаффузи, ҳарфларидаги ўзгаришларни, унли ва ундош товушлар талаффузини бевосита эшитиб тушуниш имконияти яратилади. Сўнг кейинги босқичда ўша тингланган сўз айтиб турилади, тингловчи эса, ёзишни ўргана бошлайди.

Ҳар бир бўлимни ўзлаштириши учун талаба 10 та сўз учун 50 балл йиғиши керак бўлади. Ҳар бир сўзга 5 баллдан ажратилган. Агар бирон бир сўзни белгилашда хато қилиб қўйилса, ўша ажратилган 5 балл берилмайди. Бунинг

<sup>2</sup> <https://cyberleninka.ru/article/n/xorijiy-tillarni-mukammal-o'qitishda-kompyuter-texnologiyalarning-o'rni>

<sup>3</sup> <https://uchiyaziki.ru/sprogi/656-talk-now-eurotalk-skachat>

натижасида талаба 50 баллни йиға олмайди. Бу дастурни ютуқли томони ҳар бир янги сўзни қайта-қайта эшитиб, ёза олиш, ва янги услублар асосида тўғри вариантни белгилай олишдир. Бу билан талаба ҳар бир бўлимдан 10 ва ундан ортиқ сўз ва иборалар ёдлаш имконига эга бўладилар.

Демак, компьютер дастурлари, электрон дарслик ва қўлланмалар ўқув курслари, дастурлари ва бажарилиши лозим бўлган вазибалари компьютер форматда ишлаб чиқилган бўлса, бу дастурлар якка ва гуруҳли ўқитишни самарали ташкил этиш имконини беради, шунингдек, техник воситалар ва виртуал муҳитдан фойдаланиш орқали талабаларнинг тил ўрганишга бўлган иштиёқини оширишга кўмаклашади.